

Саудия Арабистони Данияга норозилик билдирди



19:24 / 30.07.2023 863

Дания пойтахтида Қуръон ёқиб юборилган бир қанча акциялар ўтказилди, бу араб давлатларида норозиликларга сабаб бўлмоқда. Ар-Риёд диний таълимотлар ҳақорат қилиниши ва халқаро меъёрлар бузилиши ҳақида эълон қилди.

Саудия Арабистони Ташқи ишлар вазирлиги Даниянинг муваққат ишлар вакилини Копенхагенда Қуръоннинг қайта-қайта ёқиб юборилгани юзасидан норозилик нотасини тақдим этиш учун чақирди, деб хабар бермоқда (<https://www.dw.com/ru/mid-saudovskoj-aravii-vrucil-notu-protesta-danii-izza-sozzenia-korana/a-66372720>) 28 июль, жума куни Reuters. Ар-Риёд Дания ҳукуматини «диний таълимотларни камситувчи, қонунлар ва халқаро меъёрларни бузувчи ҳар қандай ғайритабиий ҳаракатларни тўхтатишга чақиради», — дейилади мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги баёнотида.

Бундан бир неча кун олдин исломга қарши ўта ўнгчи Danske Patriotер гуруҳи фаоллари Копенхагендаги Ироқ, Миср ва Туркия элчихоналари олдида мусулмонларнинг муқаддас китоби нусхаларига ўт қўйган эди.

Худди шундай акция 21 июль куни Данияда Ироқ элчихонаси яқинида

бўлиб ўтди. Дания ҳукумати қироллик ҳаракатни қоралашини айтди. «Муқаддас матнлар ва бошқа диний рамзларни ёқиб юбориш бошқаларнинг динини ҳурмат қилмайдиган шармандали ҳаракатдир. Бу кўпчиликни хафа қиладиган, турли динлар ва маданиятлар ўртасида тўсиқ қўядиган провокацион ҳаракатдир», - дейди расмийлар.

Данияда Қуръон ёқиб юборилган ҳаракатлар араб дунёсида норозилик уйғотди. Улардан биридан кейин юзлаб намоишчилар Бағдод кўчаларига чиқиб, Ироқ пойтахтидаги Дания элчихонасига тўпланди. Хавфсизлик кучлари оломонни сув пуркагичлар билан тарқатиб юборди.